



ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2022

Accepted: 10th October 2022

Online: 19th October 2022

KEY WORDS

Ахборот оқими, ахборот яратиш, ахборот тўплами, ахборотлашган макон, ахборот майдони, ахборот ташувчи, ахборот олиш маданияти.

Жамиятнинг ахборотлашув даражасини англаш унинг жадал ахборотлашуви ва бирлашган ахборот майдонини яратилиши, жамият аъзоларининг ахборот оқидамидаги ўзгаришларни англашларидан иборат. Шахснинг ички оламида ахборот олишга интилишнинг пайдо бўлишини ахборотлашаётган жамиятга монанд ахборот олишга қизиқиш, эҳтиёж сезиш ҳам касбий, ҳам маънавий эҳтиёжларни қондиришга интилиш, ахборот яратиш ва уни узатиш, ахборотни сифатли ўзлаштириш ҳамда ундан самарали тарзда амалий фойдаланиш сифатларини намоён этиш, ҳуқуқий саводхон бўлиш, хулқ-атвор меъёрларига амал қилиш тарзида таърифлаш мумкин.

• ахборотларни фойдаланишга доир имкониятларни эгаллаши:

ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА АХБОРОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ЭГАЛИШ ЗАРУРАТИ

Раҳимова Гулбаҳор Валижонова

Фарғона вилояти педагоглари янги методикага ўргатиш
миллий маркази ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7232968>

ABSTRACT

Мазкур мақола, ахборотлашган жамиятда ўқувчиларни ахборотлар билан ишлаш кўникмасини тарбиялаш йўллари, фойдалана олиш маданиятини тарбиялаш зарурати хусусида сўз юритилган бўлиб, ахборотлашган жамиятда ахборотлардан фойдаланишга доир имкониятларининг шарт-шароитлари ёритилган.

• ўқувчиларнинг ахборотларни қабул қилиши ва уни қўллашдаги ҳолати;

• ахборотларни олиш имкониятининг ўзига хос тавсифи (ўқувчиларнинг кундалик турмуш тарзида маълумотларни қабул қилиши, ўтказиши, сақлаб қўйиши ва ундан зарур вазиятларда қўллай олиш имкониятини даражаси);

Муаян иш турида ахборотлар билан ишлашдаги имкониятларида:

• ахборотларни янги манбаларини шакллантиришда, ахборотларни йиғиш, жамлаш, тартиблаштириши ва уни қайта ишлашда, шу билан бирга мазмун жиҳатдан, маълумотларни ўтказишда, ундан амалий фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг камол топганлик даражасини белгилашда;

• ахборот тўпламларини англаган ҳолда танлаш ва уларни қайта ишлаш имкониятини ошириш;



- китобларни саралай олиш ўқуви, китоб ўқиш этикаси, ахборотлашган жараёнда қандай амалга ошириш лозимлигини, ҳамда уни кутубхона ташкилланган ҳудудда ташкиллаштириш қобилиятига эга бўлиши;

- ахборотлашган маконнинг ҳуқуқий майдонида, муаллифлик ҳуқуқи масалаларида, сўз эркинлигини кафолатлаш, ўқувчи шахсининг ахборотлар билан ишлаш жиҳатидан хавфсизлигини таъминлашни ўргатиш;

- электрон китоблар билан ишлаш, “китобхонлик маданияти”, «ахборот билан ишлаш ўқуви», таълим жараёнида ахборотнинг роли муҳим эканлигини англаб етиши;

- доимий электрон тармоқ манбалардан мукамал тизимли фойдаланиш имкониятлари, ўзини ахборотларнинг ўрганувчиси ҳамда тарқатувчиси, деб билиши;

- Ахборот майдонида инсонлар ижтимоий муҳитдаги ахлоқий талаблари асосида кўринди.

Ижтимоий тармоқлардаги манбаларни ишлатиш методларини эгаллаганлик:

- компьютер саводхонлиги; ахборот маконида, уни шакллантириш ва ўзаро ахборот алмашишда эркин мўлжал ола билиш имконини берадиган билимлар ва кўникмалар;

- турли моддий ахборот ташувчилар ёрдамида қайд этилган субъект-субект ва субъект-обект муносабатларининг моҳияти; замонавий ахборот-ресурслари, айрим ҳужжатлар, ахборот тизимидаги кутубхоналар, архивлар, жамғармалар, маълумотлар банклари тавсия ва хусусиятларини тушуниш;

- турли хил ахборот ташувчилардан фойдаланиш имкониятлари, ахборотни тўплаш, тизимга солиш, сақлаш ва излашнинг анъанавий ва электрон воситалари афзалликлари ҳамда камчиликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш; замонавий ахборот технологияларидан фойдалана билиш;

- сунъий интеллект тизими билан мулоқот қилиш, одам-машина тизи-мида диалогик мулоқот юритиш, телематика воситалари, глобал ва локал ахборот-ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланиш, оламдаги ахборот манзарасини рамзлар ва белгилар, бевосита ва акс ахборот алоқалари тизими сифатида англаш ва ўзлаштириш, ахборотлашган жамиятда эркин мўлжал олиш, унга кўникиш хусусияти, таълим ташкилотида информатикани фанини тизимли ўқитишни ташкил этиш ва ахборотларни етказишда электрон воситаларининг имкониятларидан жараёнда оқилона фойдаланиш асосида намоён бўлади.

Умумлаштириб айтганда: у замонавий ахборот-ресурслари, айрим ҳужжатлар, ахборот тизимидаги кутубхоналар, архивлар, жамғармалар, маълумотлар банкларининг характери ва хусусиятларини тушуниш; турли хил ахборот ташувчиларини очиш имкониятлари, ахборотни тўплаш, тизимга солиш, сақлаш ва излашнинг анъанавий ва электрон воситалари афзалликлари ҳамда камчиликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш; замонавий ахборот технологияларидан фойдалана билишдан иборатдир. Бугунги кунда ахборот заҳираларини электрон ташувчиларсиз тасаввур қилиб



бўлмайди. “Ахборот олиш маданияти” тушунчаси таркибига кирган «ахборотни сифатли ўзлаштириш ҳамда самарали тарзда амалий фойдаланиш»га шунчаки керакли адаби-ётларни ўқиш билангина эришиш мумкин эмас. Ахборот олиш маданиятини эгаллаш, ахборот ёрдамида ижтимоийлашув учун шахс қандай билим, кўникма ва малакаларни қўлга киритиши лозимлиги, уларни қаерда, қайси усуллар билан эгаллаш мумкинлиги, амали-ётда қўллаш учун нималар қилиш зарурлиги масаласидир.

Китобхоннинг ижтимоийлашуви ахборот олиш маданиятининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. В.А. Бородиннинг берган таърифига кўра, “Кутубхона – ижтимоий институт, кутубхона хизмати эса – субектларни кутубхоналар тизими орқали ижтимоийлаштиришга қаратилган фаолият”. Бошқача айтганда, ижтимоий институт китобхонни ижтимоийлаштириш учун хизмат қилади. Бизнингча, китобхоннинг

ижтимоийлашуви инсоният томонидан тўпланган китобхонлик тажри-басини эгаллаш жараёни ва шу жараёнда эришилган натижаларни ўзлаштиришдир. Китобхонликнинг ижтимоийлашуви мураккаб педагогик-пси-хологик ҳодиса бўлиб, мутолаа кўникмаларининг шаклланишидан ташқари, унинг натижаси, усули, шахсда ахборотга нисбатан муносабатнинг ҳосил бўлишида ҳам ифодаланadi. Хулоса қилиб айтганда, таълим тизимида ахборот олиш маданияти бўйича қўлланмалар яратиш, таълимни бошқариш тизимлари билан уй-ғунлаштириш ўсмир ёшидаги ўқувчиларга берилаётган билимларнинг самарасини таъминлашнинг яхши усули бўлиб хизмат қилади. Яна ахборот олиш маданияти, яъни ахборот саводхонлиги бўйича машғулотлар ўқув дастурига киритилса, ўқувчиларни сифатли илмий манбалардан фойдаланишига, малакалари ошиб боришига катта таъсир кўрсатар эди.

References:

1. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Т.: Иқт.-молия, 2007.
2. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
4. Фромм Э. Иметь или быть. Москва. Прогресс. 1990.
5. Арипджанова А. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш: Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. Автореф. – Т., 2017. – 50 б.
6. Давлатов О. Ғ. Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дис-я. Тошкент, 2018. – Б. 36. (- 177 б.)
7. Примов Б. Ахборот оқими жадаллашувининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири. Дисс. – Тошкент, 2020.
8. Каримов И. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. – Т.: Фан, 2007.